

**АҲОЛИНИНГ ИМОРАТЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ ОНЛАЙН
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

**UY-JOY-1
UY-JOY-2**

Код: 21

2021 йил «01» мартдан кучга киради



ТАСДИҚЛАЙМАН
«KAFIL SUG'URTA» МЧЖ
Бош директори
Ф.А. Артиков
2021й. «__» март

УЎ-ЖОҲ-1

АҲОЛИНИНГ ИМОРАТЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу Оммавий оферта (бундан буён матнда Оферта деб юритилади) «KAFIL-SUG'URTA» МЧЖ нинг (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) номаълум доирадаги жисмоний шахсларга (бундан буён Суғурта қилдирувчи деб юритилади) йуланган куйидаги суғурта шартларида суғурта шартномасини Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида тузиш таклифи булиб ҳисобланади. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи шартнома тарафларидир.

Мазкур Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг Суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга электрон суғурта полиси юборилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғуртанинг амал қилишини бошланиши) Суғурта қилдирувчи томонидан иморатни Суғурталовчи филиалларининг офисларидан исталганида кўздан кечиришга (мониторингга) ва фото/видео қайд этишга такдим этилганидан кейин, шунингдек Суғурта қилинган иморатни Ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзоланганидан кейин кучга қиради. Иморатни ташқи кўздан кечириш далолатномаси Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта полиси олинган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кун ичида имзоланмаган тақдирда, Суғурта шартномаси тузилмаган деб тан олинishi мумкин ва тўланган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчи раҳбариятига йўлланган ёзма аризаси асосида қайтарилиши лозим. Суғурта шартномаси тузилмаган деб тан олинishi муносабати билан суғурта мукофотини олиш учун Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта полисида кўрсатилган муддат тугашига қадар мурожаат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оферта шартларининг қабул қилиниши мазкур Оферта шартларини сўзсиз қабул қилинган деб ҳисобланади ва у билан куйидагиларга розилик ифодаланади:

- мазкур Оферта шартлари, жумладан унда баён қилинган суғурта шартларига розилик;
- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотлар билан суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йули орқали 5 йил муддатга ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, улардан фойдаланиш, уларни эгасини кўрсатмаслик, блоклаш, йўқ қилишга (йўқ қилиш ҳақида хабар қилмаган ҳолда), шунингдек суғурта шартномасини бажариш, ички ҳужжат айланмасини таъминлаш мақсадида учинчи шахсларга уларни беришга розилик.

Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг интернет ресурси воситасида Суғурта шартномасини тузиш натижасида ўз ҳуқуқи ва муомалага лаёқатлигини тасдиқлайди, шунингдек ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг интернет ресурсида онлайн тарзда Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчидан унинг электрон почта манзили ва мобил телефон рақами мавжудлиги талаб қилинади.

Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет ресурсида Суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва муҳим бўлган барча маълумотларни киритиш Суғурта учун ариза бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. «Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари бундан буён матнда мазкур электрон ҳужжатга нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Қоидалар, суғурта фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига ҳамда “KAFIL-SUG’URTA” МЧЖ Уставига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (бундан кейин «Суғурта қилдирувчи» деб юритилади) иморатларини - ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупрокнинг чўкиши, сув тошқини, сел, яшин уриши, zilзила, дўл, қалин қор ёғиши, тўсатдан қаттиқ совуқ тушиши натижасида йўқотилиши ёки шикастланиши натижасида молиявий зарарини қоплашни таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган Лицензия асосида 8 ва 9-классларга оид суғурта тури ҳисобланади.

1.2. “KAFIL-SUG’URTA” МЧЖ (кейинги матнларда «Суғурталовчи» деб юритилади) мазкур Қоидалар асосида Ўзбекистон Республикасида Суғурта қилдирувчиларнинг фойдаланишга яроқли хусусий мулки ҳисобланган доимий бир жойга қурилган, ўрнатилган ва деворлари ҳамда томи бўлган иморатлар- уйлар; кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий иморатлар (кейинги матнларда «иморатлар» деб юритилади) бўйича зарарни Суғурта қилдирувчига шартномада (суғурта полисида) келишилган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товонини тўлаш) мажбуриятини олади.

II. ИШЛАТИЛАДИГАН АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФИ:

- 2.1. Суғурталовчи** Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Лицензияси асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган “KAFIL-SUG’URTA” МЧЖ.
- 2.2. Суғурта қилдирувчи** Суғурталовчи билан Оферта шартларида Суғурта қилиш шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахс.
- 2.3. Суғурта полиси** Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида Оферта шартларида аҳоли иморатларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полиси Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин унинг электрон манзилига юборилади. Суғурталовчининг мажбуриятлари Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ёки уларнинг ваколатли шахслари томонидан иморатни ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзоланган кундан кейинги куни кучга киради.
- 2.4. Суғурта ҳодисаси** Суғурта шартномасида назарда тутилган, ҳақиқатда бир вақтда содир бўлган, суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврида ва суғурта ҳудудида юз берган битта ёки бир нечта ҳодиса бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчида суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келади.
- 2.5. Суғурта даври** Суғурталовчида суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари амал қиладиган вақт даври. Суғурта даври суғурта мукофоти тўланган ва тарафлар томонидан ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзолангандан кейин киладиган кундан эътиборан бошланади ва бир йил давомида амал қиладди.
- 2.6. Суғурта товони** Суғурта шартномасида баён қилинган суғурта ҳодисаси натижасида юзага келган зарарни қоплаш учун Суғурталовчи томонидан суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

- 2.7. Аҳоли иморатлари** Ўзбекистон Республикасида Суғурта қилдирувчиларнинг фойдаланишга яроқли хусусий мулки ҳисобланган доимий бир жойга қурилган, ўрнатилган ва деворлари ҳамда томи бўлган иморатлар- яшаш уйлари ва бошқа кўчмас мулклари ҳамда кўп квартирали уйлардаги хонадонлар. Деворлар, қурилиши битмаган иморатлар суғурта қилишга қабул қилинмайди ва Компания уларни суғурта қилиш учун жавобгар бўлмайди.
- 2.8. Суғурталанган иморат** Суғурта полисида кўрсатилган, суғурта ҳимояси тақдим этиладиган иморат.
- 2.9. Суғурта пули** Суғурта ҳодисаси (суғурта таваккалчиликлари) юзасидан суғурта шартномаси билан аниқланадиган ва суғурта полисида кўрсатилган пул маблағлари суммаси бўлиб, унинг доирасида Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ёки уни олишга ҳақли бўлган бошқа шахсга суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.
- 2.10. Суғурта мукофоти** Суғурталовчига суғурта объектини суғурталаш учун Суғурта шартномасига (суғурта полисига) асосан тўланадиган миллий валютадаги пул маблағи.
- 2.11. Форс-мажор ҳолати** Фавқулодда ва олдиндан кўрилмаган характерда бўлиб, томонлар мажбуриятларини қабул қилгандан кейин келиб чиқади ҳамда уларнинг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмай, ақлий тадбирлар билан унинг олдини олиб бўлмайдиган ҳолат;
- 2.12. Ташқи кўздан кечириш далолатномаси-** Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчининг вакиллари томонидан тузиладиган ва имзоланадиган ҳужжат бўлиб, унда суғурта қилиш бошланишига қадар иморатда мавжуд бўлган нуқсонлар (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилади ва улар бўйича Суғурталовчи зиммасида мажбуриятлар бўлмайди. Ташқи кўздан кечириш далолатномаси фақат Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг вакилларига суғурта полисининг нусхаси ва суғуртага қабул қилинаётган иморатнинг кадастр ҳужжати тақдим этилганида тузилиши мумкин. Иморатни ташқи кўздан кечириш далолатномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг Call марказига **71-244-04-14** рақами орқали кўнғироқ қилган ҳолда кўздан кечириш вақти ва жойи ҳақида олдиндан келишиб олиши, ўз фамилияси ва исмини, полис рақамини ва ўзига қулай бўлган кўздан кечириш жойини айтиши зарур.

III. МАХСУС АТАМАЛАР

Оферта бўйича махсус атамалар қуйидаги маъноларга эга:

3.1. Ёнгин – ўт олдириш ва ушлаб туриш учун махсус мўлжалланган жойлардан ташқарига ихтиёрий равишда тарқалиш хусусиятига эга олов.

3.2. Портлаш – газ ёки буғларнинг кенгайишига асосланган, катта миқдордаги энергиянинг шиддат билан отилиб чиқиши. Резервуар портлаши бўлиб резервуар ичкарасида ва ташқарисидаги босим тенглашишига олиб келадиган даражада резервуар деворларининг ёрилиши. Агар резервуар ичида кимёвий реакциянинг тез кечиши натижасида портлаш содир бўлса, унинг деворлари ёрилмаган бўлса ҳам, бундан етказилган зарар суғурта билан қопланади. Вакуум ёки газларнинг сийраклашиши натижасида етказилган зарар суғурта қилинмайди.

3.3. Яшин уриши – мол-мулкдан маҳрум бўлишга (нобуд бўлишига) олиб келувчи, унга яшиннинг тўғридан-тўғри тегиши (яшин – булутлар ўртасидаги ёки булут ва ер ўртасидаги электр разряди). Яшиннинг иссиқ таъсири ва яшин оқибатида ҳаво босими таъсири ҳам суғурта билан қопланади.

3.4. Зилзила – ер қаърида мунтазам содир бўладиган, ернинг устки қисми силкиниши ва тебраниши билан кузатиладиган табиий жараёнлар натижаси.

3.5. Сув тошқини – дарё, кўл, денгиз сатҳининг кўтарилиши ёки дамба, тўғон бузилиши натижасида ҳудудни сезиларли даражада сув босиши.

3.6. Кўчки – шамол ёки ер усти ёки ерости сувларнинг таъсирида, қирғоқ ён бағирларини ювилиши ва жинсларнинг оғирлик кучи таъсирида ёки зилзила натижасида тоғ жинсларининг кулаши.

3.7. Ер силжиши – денгизлар, кўллар, дарёлар, жарликлар яқинида, чуқурликларнинг, қояларнинг тик қияликлари, шунингдек тоғларда ўз оғирлик кучи таъсирида ер массасининг секин силжиши.

3.8. Тупроқ чўкиши – фавқулодда кўп ёғингарчилик оқибатида намликнинг ортиши туфайли маълум бир жойда ёки умумий майдонда тупроқ зичлигининг тубдан ўзгариш жараёни.

3.9. Сел – Қорларнинг жадал эриши, кучли жала ёғиши натижасида тоғ водийлари, сойлар ва жарлардан оқиб келадиган, катта вайронгарчилик кучига эга бўлган қисқа муддатли лойқа ёки лойқатош аралаш кучли сув оқими.

3.10. Бўрон – тезлиги 15 м/с дан ортиқ бўлган кучли шамол. Шамол тезлиги Ўзбекистон Республикаси Гидрометмарказининг ҳудудий муассасалари маълумотномалари билан тасдиқланади.

3.11. Довул – тезлиги 29 м/с дан ортиқ бўлган кучли шамол. Шамол тезлиги Ўзбекистон Республикаси Гидрометмарказининг ҳудудий муассасалари маълумотномалари билан тасдиқланади.

3.12. Дўл уриши – дўлнинг бевосита таъсири оқибатида суғурталанган мол-мулкни ҳар қандай йўқотилиши ёки шикастланишини англатади.

3.13. Жала – 12 соат ёки ундан кам вақтда 30 мм ёки ундан ортиқ катта миқдорда ёғингарчилик бўлиши билан кузатилган кучли ёмғир.

3.14. Қалин қор ёғиши – бундай қор ёғиши ушбу ҳудуд учун камдан-кам (ғайриоддий) ҳолат бўлиши шarti билан қисқа вақт оралиғида одатдагидан кўп миқдорда – 12 соат ва ундан кам вақтда 20 мм ва ундан кўп қор ёғиши. Хўжасизлик сабабли секин-аста кўп миқдорда қор тўпланиши қалин қор ёғишидан фарқланади.

IV. УМУМИЙ ШАРТЛАР

4.1. Суғурта шартномасини тузиш ва унинг кучга кириши тартиби:

4.1.1. Мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжат бўлиб ҳисобланади;

4.1.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида шаклланади;

4.1.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризининг тўлдирилиши шарт бўлган катакларини мустақил ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслидаги маълумотларга қатъий мувофиқ ҳолда тўлдирилади;

4.1.4. Суғурта қилдирувчи аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва аслига тўғри эканлиги учун зиммасига жавобгарликни олади, шунингдек аризада кўрсатилган ҳужжатларни уларнинг аслига мувофиқ бўлмаганида суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурталовчи суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига рози бўлади;

4.1.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда Суғурта шартномасига (Суғурта полисига) киритилади.

4.1.6. Суғурта шартномаси тузилишига қадар Суғурта қилдирувчи суғуртага тақлиф қилинаётган иморатнинг қийматини кўрсатган ҳолда суғурта тўловини мустақил равишда аниқлаши ва суғурта пулини ҳисоблаб чиқариши мумкин. Бунда суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги керак. Бундан ташқари томонлар хоҳишига кўра ҳақиқий қиймат қуйидагилар асосида аниқланиши мумкин:

- савдо ташкилоти томонидан берилган маълумотнома-ҳисобварақ ёки иморатнинг олди-сотди шартномаси;

- мустақил баҳоловчи томонидан амалга оширилган уй жой иморатининг ҳақиқий қийматини баҳолаш.

4.1.7. Суғурта пули суғурта қийматидан паст қилиб белгиланган тақдирда, суғурта ходисаси юз берганида Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) улар кўрган зарарни суғурта пулини суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда қоплаб беради.

4.1.8. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизими ёрдамида суғурта қопламаларининг танланган вариантларига боғлиқ равишда суғурта пулини мустақил аниқлайди, Суғурталовчининг ахборот тизими эса Суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан ва танланган вариантлардан келиб чиқиб, суғурта мукофоти суммасини шакллантиради ҳамда Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотининг шакллантирилган суммасига рози бўлган тақдирда, уни тўлашга қадар Суғурта қилдирувчи мазкур Оферта матни билан танишиш мажбуриятини олади.

4.1.9. Офертада ва Қоидаларда таклиф қилинадиган суғурта шартларига рози бўлган тақдирда, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва Суғурта шартномасини тузиш учун аризани (бундан буён матнда Ариза деб юритилади) Суғурталовчининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда тўлдиришга киришади.

4.1.10. Аризани тўлдиришда Суғурталовчи учун суғурта ходисаси юз бериши эҳтимолини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган барча зарур маълумотларни ва суғурта ходисаси юз беришидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини (суғурта таваккалчилигини) кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг аслига қатъий мувофиқликда кўрсатилиши керак.

4.1.11. Ариза тўлдирилганидан кейин, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасидан фойдаланишга автоматик тарзда рухсат берилади.

4.1.12. Суғурта шартномаси тарафлари Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта полисининг олиниши Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) лозим даражада имзоланганлигини тасдиқлайди.

4.1.13. Суғурта қилдирувчининг Суғурта мукофотини тўлаганлиги факти Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан тасдиқланган сана мазкур Оммавий оферта акцепт қилинган ва Суғурта шартномаси тузилган санадир.

4.2. Суғурта шартномаси (полислари) бўйича тўловни амалга ошириш тартиби:

4.2.1. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича тўловни амалга ошириш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот (онлайн) тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

4.2.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинги қайта йўналтириш учун ариза қабул қилинганлигини тасдиқлаш Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи аризани тўлдираётганида кўрсатиб ўтган мобил телефон рақамига СМС-хабарни жўнатиш йўли билан амалга оширилади;

4.2.3. СМС-хабар тасдиқлаш коди билан бирга олинганидан кейин Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши зарур, ундан кейин у суғурта мукофотининг ҳисобланган суммасини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун танланган тўлов тизимининг сайтига автоматик тарзда қайта йўлланади;

4.2.4. Суғурта полиси қиймати тўланганлиги ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими Суғурта полисини расмийлаштиришни электрон шаклда автоматик тарзда амалга оширади, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига йўллайди ва ундан кейин Суғурта полисининг серияси ва рақами, Суғурта полиси электрон тарзда жўнатилганлиги факти ҳақидаги маълумотларни ичига олган СМС-хабар жўнатилиши йўли билан Суғурта қилдирувчини хабардор қилади.

4.2.5. Суғурталовчи тўлов провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўловлар тизими ва интернет орқали тўлаш билан боғлиқ зарарлари ва таваккалчиликлари учун жавобгар бўлмайди.

4.2.6. Суғурта мукофотини банк картаси билан тўлаш бевосита Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Агар Суғурта қилдирувчи банк картасини тўлов тўлаш учун бошқа шахсга берган бўлса, Суғурта қилдирувчи бу билан боғлиқ барча таваккалчиликларни ўз зиммасига олади ва мазкур ҳолатда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланишига рози бўлади.

4.2.7. Суғурталовчининг ахборот тизимида «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасини босиш билан, шунингдек шакллантирилган суғурта мукофотини тўлаган ҳолда Оферта йўлланган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ мазкур Оферта шартларига рози эканлигини билдиради.

4.3. Суғурта шартномасини (суғурта полисини) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш. Суғурта мукофотини қайтариш:

4.3.1. Агар Суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин суғурта таваккалчилигининг мавжудлиги ва суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолса, шунингдек суғурта қилинган мол-мулк суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлса Суғурта шартномаси ўзи тузилган муддат келишига қадар тугатилади.

4.3.2. Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш Суғурталовчининг манзилига бекор қилиш ҳақидаги ёзма аризани йўллаш орқали амалга оширилади.

4.3.3. Суғурта шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганда, суғурта мукофоти Суғурталовчининг сарф-харажатлари учун 35 фоиз миқдорида чегириб қолган ҳолда суғурта муддатининг ўтмаган даври учун қайтарилади.

4.3.4. Агар Суғурталовчининг суғурта шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш талаби, Суғурта қилдирувчининг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ бўлса, у ҳолда тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

4.3.5. Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш (бир тарафлама тартибда) фақат қонун ҳужжатларида ва суғурта шартномасида назарда тутилган ва йўл қўйилган ҳолларда амалга оширилади.

СУГУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Тўлиқ номи:

«Kafil Sug'urta» Масъулияти чекланган жамияти

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй.

Электрон манзили (расмий интернет ресурси/электрон почта):

www.Kafil.uz / info@Kafil.uz

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар:

Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йилнинг 24 декабрида 13- сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Лицензия туғрисида маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2020 йилнинг 18 ноябрида СФ 00003-сонли Лицензия берилган.

V. СУГУРТА СУБЪЕКТЛАРИ

Ушбу Оферта шартларига кўра Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқаролар ҳамда Лицензия асосида фаолият юритувчи “KAFIL-SUG'URTA” МЧЖ ва унинг худудий бўлинмалари Суғурта субъекти ҳисобланади.

VI. СУҒУРТА ОБЪЕКТЛАРИ

Суғурта қилдирувчиларнинг фойдаланишга яроқли хусусий мулки ҳисобланган доимий бир жойга қурилган, ўрнатилган ва деворлари ҳамда томи бўлган иморатлар- яшаш уйлари ва бошқа кўчмас мулклари ҳамда кўп квартиралли уйлардаги хонадонлар Суғурта объектлари ҳисобланади.

VI. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

7.1. Мазкур Оферта қоидаларга асосан Суғурта қилдирувчига тегишли бўлган иморатлар ва уй-рўзғор буюмларининг - ёнғин, портлаш, қаттиқ шамол, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, сув тошқини, сел, яшин уриши, зилзила, дўл, қалин қор ёғиши, тўсатдан қаттиқ совуқ тушиши натижасида йўқотилиши ёки шикастланиши Суғурта ҳодисаси деб ҳисобланади.

7.2. Қуйидагилар Суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- Суғурта қилдирувчининг кўпол эҳтиётсизлиги, била туриб (қасддан) амалга оширган хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида унинг иморатига зарар етказилса, (Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар ҳаёти, саломатлиги, қадр қиммати, ор-номусини ҳимоя қилиш ёки фуқаролик бурчини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно);

- Суғурталовчига суғурта шартномаси тузиш вақтида иморатлар ҳақида ёлғон маълумотлар берилса.

7.3. Мазкур Офертага асосан қуйидаги сиёсий тавсифга эга бўлган ҳодисалар туфайли, иморатларга етказилган зарар қисман ёки тўлиқ қопланмайди:

- уруш ва ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), ғалаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, локаут, ҳукуматни ноқонуний равишда эгаллаб олиш, террорчилик ҳаракатлари, мусодара қилиш, реквизиция, ҳукумат ёки унинг таркибий қисми топшириғига асосан бузиб ташланиши ёки унга зарар етиши ҳаракатлари, ядро реакцияси, ядро нурланиш ёки радиоактив зарарланиши ёки нобуд бўлиши ҳолатларида.

VIII. СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТА ТАРИФИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТўЛАШ ТАРТИБИ

8.1. UY-JOY-1 суғурта ҳимоясида аҳолининг иморатларини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича суғурта пули (суммаси)нинг миқдори **20 000 000,00 (йигирма миллион)** сўмни ташкил этади.

8.1.2. Офертанинг 7.1-бандида назарда тутилган суғурта таваккалчиликлари бўйича суғурта пули Суғурта полиси берилган пайтда суғуртага қабул қилинаётган иморатнинг ҳақиқий (суғурта) қийматидан ортик бўлмаслиги лозим.

8.1.3. Мазкур Оферта бўйича маълум муддатга тузиладиган суғурта полиси бўйича суғурта мукофоти йиллик **0,3 фоиз** миқдорида, суғурта қилдирувчининг танлаган суғурта суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва UY-JOY-1 суғурта ҳимоясида **60 000,00 (олтмиш минг)** сўмни ташкил этади.

8.2. Суғурта мукофоти Суғурта полиси берилишига қадар Суғурта қилдирувчи томонидан бир йўла тўлов билан тўланиши керак. Ҳисобланган Суғурта мукофоти тўлиқ миқдорда тўлангандагина Суғурталовчининг Суғурта жавобгарлиги кучга кирди.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

- суғурталанган иморатларининг ҳолатини, сақланиш шароитини Суғурта шартномаси тузишда ва амал қилиш даврида ҳамда Суғурта ҳодисаси содир бўлганда текшириш мониторингини ўтказиш;

- Суғурта қилдирувчи Суғурта шартномасини шартларини бажармаганда, Суғурта шартномасини бекор қилиш;

- суғурталанган иморатларининг шикастланишига айбдор шахслар аниқланган ҳолларда тўланган Суғурта товонини улардан ундириб олиш ҳақида даъво қилиш;

- Суғурта товони миқдорини аниқлаш учун Суғурта қилдирувчидан мутасадди ташкилотларнинг маълумотномаларини, экспертлар хулосаларини тақдим этишни талаб қилиш;

- Суғурта қилдирувчининг тақдим этган ҳужжатларини тўғрилигини текшириш ва зарур ҳолатларда бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиш;

- Суғурта қилдирувчи олдидаги Суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилганида, Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.

9.2. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- Суғурталанган иморатлар бўйича Суғурта ҳодисаси тўғрисида хабарнома олгач, иморатга етказилган зарарни аниқлаш ва тегишли ташкилотлар вакили иштирокида маълумотнома тузиш;

- Суғурта ҳодисаси оқибатида суғурталанган иморатларга етказилган зарар бўйича Суғурта товони миқдорини ҳисоблаб чиқиш ва далолатнома асосида белгиланган муддатда тўлаш.

9.3. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқи:

- Суғурта шартномаси амал қилиш даврида Суғурта шартномасига доир саволларга Суғурталовчидан тўлиқ жавоблар олиш;

- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда ушбу Қоидада кўрсатилган тартибда Суғурта товонини олиш.

9.4. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- суғурталанган иморатни ташқи кўздан кечиришда ва далолатномани тузишда Суғурталовчига яқиндан кўмаклашиш;

- суғурталанган иморатни шикастланиши олдини олиш учун барча чораларни кўриш;

- Суғурта шартномасидаги шартларни белгиланган муддатларда бажариш, уларни бузмаслик учун барча чораларни кўриш;

- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчига белгиланган муддатда, яъни 3 (уч) кун ичида ёзма равишда хабарнома бериш ва Суғурта товонини аниқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим қилиш;

- Суғурта ҳодисаси рўй берганда зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Суғурталовчини таъминлаш;

- суғурталанган объект манзили ўзгарганда ёки суғурта қилдирувчи шахс вафот этганда Суғурталовчига 10 кун ичида ёзма равишда хабарнома бериш;

- вафот этган шахснинг вориси Қонунчиликда белгиланган муддатда аниқлангандан сўнг Суғурталовчига ёзма равишда хабарнома бериш;

- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда иморатни таъмирлаш ва бошқа ишларини Суғурталовчи билан келишилган ҳолда амалга ошириш.

X. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси ва зарарланган ёки нобуд бўлган иморати ҳақида суғурталовчига 3 (уч) кун ичида ёзма равишда хабарнома беради.

10.2. Суғурталанган иморат шикастланишини келтириб чиқарувчи суғурта ҳодисаси рўй берганда, ҳодиса тафсилотлари ва сабабини аниқлаш учун Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи ва ҳолис гувоҳлар иштирокида дастлабки маълумотнома тузилади.

10.3. Суғурта қилдирувчи (наф олувчи), Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Ҳодиса тўғрисида **Хабарнома**;

- Суғурта полиси нусхаси;

- ҳодисасини тасдиқловчи мутасадди ташкилотлар (ИИБ, ЁХБ, Гидрометеорология маркази ва б.) нинг ҳужжатлари;

- Суғурта ҳодисаси натижасида зарарланган иморат фотосуратлари;

- ҳодиса натижасида иморатнинг зарарланган ёки нобуд бўлганлигини тасдиқловчи Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тузилган маълумотнома,

- ҳодисада айбдор шахс бўлганда, уларнинг тушунтириш хатлари;

- Суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган Суғурта ҳодисасига оид бошқа маълумотлар.

Агар суғурта ҳодисасини жойида ўрганиш жараёнида, ҳодиса тафсилотлари ва сабабини ҳамда етказилган зарар миқдорини аниқлаш учун етарли асослар мавжуд бўлса, юқоридаги ҳужжатларнинг айримлари талаб қилинмаслиги мумкин.

10.4. Суғурталовчи тақдим қилинган ҳужжатлар асосида иморатига етказилган зарар миқдорини аниқлайди ва холислар иштирокида суғурта ҳодисасини тасдиқловчи далолатнома тузади.

10.5. Барча томонлар далолатномага имзо қўядилар ва имзо қўйиш жараёнида ўз эътирозларини далолатномада акс эттиши мумкин.

10.6. Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, суғурта ҳодисасига алоқадор бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

10.7. Суғурта қилдирувчи Суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни (Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ва ҳодиса тафсилотлари ҳақида маълумотнома) Суғурталовчига тақдим этиши шарт.

10.8. Суғурта қилдирувчи Суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарланган иморатни таъмирлаш, сотиш, ёқиб юбориш, йўқ қилиш ва бошқа ишларни Суғурталовчи билан келишган ҳолда (ёзма равишда) амалга оширади.

10.9. Суғурта товони ҳақиқий етган зарар миқдорида, агар Суғурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори ҳисобга олиниб, лекин шартномада белгиланган Суғурта пули миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

10.10. Мазкур Қоиданинг 7.1. бандида қайд қилинган Суғурта ҳодисаси рўй бериши оқибатида иморатга етказилган зарар миқдори қуйидаги тартибда ҳисобланади:

Т/р	Суғурталанган иморатнинг зарарланган қисмлари номи	Суғурта суммасига нисбатан фоизда
1	Пойдевор	10 % гача
2	Деворлар	22 % гача
3	Партўсин	11 % гача
4	Том ёпмаси	15 % гача
5	Пол	13 % гача
6	Эшик ва деразалар	16 % гача
7	Пардозлаш ишлари	10 % гача
8	Бошқа ишлар	3 % гача
	Жами	100 %

Компания томонидан суғурта товони тўлови юқоридаги жадвал бўйича ва ҳақиқий зарардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

10.11. Суғурта товони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси ҳамда “Ўзкоммунхизмат” ўзбек агентлиги томонидан тасдиқланган меъёрий тўпламлардан фойдаланган ҳолда ҳисоб китоб қилиниб, лекин полисда белгиланган Суғурта пули миқдоридан ва бино қисмлари учун ажратилган фоиздан ошмаган ҳолда белгиланади.

10.12. Суғурта пули Суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, Суғурталовчи Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчига у кўрган зарарни Суғурта пулининг Суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплайди.

Суғурта пули Суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома Суғурта пулининг Суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

10.13. Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Суғурта ҳодисаси рўй берганлиги ёки Суғурта ҳодисаси рўй бермаганлиги ҳақида қарор қабул қилади.

10.14. Суғурта товони, суғурта ҳодисасини тасдиқловчи далолатномага имзо қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида Суғурта қилдирувчига тўлаб берилади.

10.15. Суғурта товони Суғурта шартномасига асосан Суғурта қилдирувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

10.16. Суғурта ҳодисаси рўй берганда, Суғурталанган иморатга тегишли бошқа яна амал қилинаётган Суғурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахздан Суғурта

қилдирувчи фойдасига моддий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки қопланган зарарни чегириб ташлаган ҳолда Суғурта товони тўлаб берилади.

XI. СУБРОГАЦИЯ.

11.1. Суғурта қилдирувчининг Суғурта ҳодисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Суғурталовчига ўтади. Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан Суғурта қилдирувчи ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

11.2. Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчига ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Суғурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

11.3. Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Суғурталовчи Суғурта товонини тўлик ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва ортиқча тўланган Суғурта товонини қайтарилишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

XII. СУҒУРТА ҲОДИСАСИНИ ТАН ОЛИНМАСЛИГИ.

12.1. Қуйидаги ҳолларда Суғурталовчи Суғурта ҳодисасини тан олмадлиги ва иморатга етказилган зарар учун жавобгарлик олиб бормади:

- иморат ҳақида олдиндан нотўғри маълумот берилса;
- Суғурта қилдирувчи ёки оила аъзоларидан бири томонидан қасддан қилган ҳаракатлари натижасида иморатга зарар етказилса;
- Суғурта ҳодисаси ҳақида шартномада белгиланган муддатда хабар берилмаса;
- қўрилган зарар миқдорини аниқлашнинг имкони бўлмаса;
- етказилган зарар айбдор шахс томонидан қопланган бўлса.

12.2. Қуйидаги сиёсий тавсифга эга бўлган ҳодисалар туфайли, иморатга етказилган зарар қисман ёки тўлиқ қопланмайди:

- уруш ва ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), ғалаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, локаут, ҳукуматни ноқонуний равишда эгаллаб олиш, террорчилик ҳаракатлари, мусодара қилиш, реквизиция, ҳукумат ёки унинг таркибий қисми топшириғига асосан бузиб ташланиши ёки унга зарар етиши ҳаракатлари, ядро реакцияси, ядро нурланиш ёки радиоактив зарарланиши ёки нобуд бўлиши ҳолатларида.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Мазкур Қоидалар асосида тузилган Суғурта шартномасининг шартларини бажармаганлик ёки керакли даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунларида белгиланган жавобгарликни тенг даражада олиб борадилар.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

Мазкур Қоидалардан келиб чиқадиган барча баҳс ва мунозаралар томонларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал қилинади. Келишиш имкони бўлмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилиги асосида ҳакамлик ёки иқтисодий судига кўриб чиқиш учун берилади.

«Қабул қилиш»

«Бекор қилиш»

